BUXORO VILOYATI SHOFIRKON TUMAN HOKIMINING QARORI

201100, Shofirkon tumani, Mustaqillik ko‘chasi, 4-uy. Tel: (365) 502-20-04, faks: 502-25-47, e-mail: info@shofirkon.uz, shofirkon.t@exat.uz

2022 - yil 30 - sentabr 404-2-41-Q/22 Shofirkon tuman hokimligi

Туманда ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида.

Шофиркон туманининг умумий ер майдони 371894 гектарни ташкил этади, шундан 150,9 минг гектари Чорвачилик ва пиллачиликни ривожлантириш қўмитасига, 45,0 минг гектари Шофиркон Давлат Ўрмон хўжалиги тассаруфидаги ер майдонлари ҳисобланади ва бу ер майдонларнинг аксарият қисми ўсимликлар дунёси объектларидан иборат. Ўсимликлар дунёси объектларидан фойдаланишни тартибга солиш, Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида” Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги “Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-тамоилларидан ўтиш тартиби тўғрисида”ги 290-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида” Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги “Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-тамоилларидан ўтиш тартиби тўғрисида”ги 290-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Давлат ўрмон фонди ерларида, шунингдек ўрмон фондига кирмайдиган аҳоли яшайдиган жойлардаги яшил ўрмонларда ҳамда транспорт магистраллари, ирригация тармоқлари чегараларида табиий ҳолда ўсган ўсимликларни, уларнинг гули, япроғи, танаси, илдизлари, шунингдек чорва

озуқабоп ўсимликларини умумий фойдаланиш фойдаланувчилар томонидан ҳаётий зарур эҳтиёжларни қондириш учун бепул амалга оширилиши белгилансин.

3.Ўсимликлар дунёси объектларидан умумий фойдаланиш меъёрларидан ортиқча маҳсулотлар йиғиш учун қонунда белгиланган тартибда тўловлар ундириш белгилансин.

4. Халқ депутатлари туман кенгаши (К.Бомуродов) ҳар йил охирида ўсимликлар дунёси объектларидан умумий фойдаланиш меъёрларидан ортиқча маҳсулотлар йиғиш учун тўловлар миқдорини белгилаш бўйича Халқ депутатлари туман кенгаши сессияси муҳокамасига киритсин.

5.Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат инспекцияси туман бўлими (Б.Собиров), Шофиркон Давлат Ўрмон хўжалиги (Э.Кенжаев) ўсимликлар дунёси объектлари манзиллари, улардан умумий фойдаланиш меъёрларини белгилаш, ўсимликлар дунёси объектларини кўпайтириш чораларини кўриш, ўсимликлар дунёси объектларини муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни кўпайтириш юзасидан оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиш топширилсин.

6.Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Э.Эргашев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Ж.Ф.Шаропов**